

Бақара сураси, 112-оят

08:45 / 09.11.2017 3830

Йўқ! Кимки яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилса, унга Робби ҳузурида ажр бордир. Ҳамда уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар. Бақара 112.

Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабул бўладиган амалнинг иккита шарти бор экан.

Биринчи шарт: киши юзини Аллоҳга топширган бўлиши керак. Яъни бутун вужуди ила Аллоҳга ихлос қилган бўлиши лозим.

Иккинчи шарт: қилган иши шариатда тўғри деб топилган амал бўлиши керак. Оятдаги «**яхшилик қилувчи бўлган ҳолида**» жумласидан мурод шу.

Демак, ҳам маънавий, ҳам моддий тарафдан фақат Аллоҳ учун бўлган иш ўз эгасини мукофотга етказди. Аввало

«...Робби ҳузурида ажр бордир».

Яна уларга келажакда хавф йўқ ва улар бўлиб ўтган ишлардан афсусланмайдилар.

«...уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».

Булар Аллоҳнинг ваъдаларидир ва муҳаққақ, шундай бўлгусидир.